

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ

4-сон
(48)
2015 й.

«Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли қарорига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами»да Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари расман чоп этилади.

В соответствии со статьей 25 Закона Республики Узбекистан «О международных договорах Республики Узбекистан» и постановлением Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2011 года № ПП-1602 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства юстиции Республики Узбекистан» в «Сборнике международных договоров Республики Узбекистан» официально публикуются вступившие в силу международные договоры Республики Узбекистан.

МУНДАРИЖА — СОДЕРЖАНИЕ

ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Покистон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Протокол (2015 йил 17 ноябрь, Тошкент) 3
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Покистон Ислом Республикаси савдони ривожлантириш агентлиги ўртасида икки томонлама савдо алоқа-

ларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида Англашув меморандуми (2015 йил 17 ноябрь, Тошкент)	5
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегарасидан ўтказиш пунктлари тўғрисидаги Битимга 2006 йил 4 сентябрда имзоланган Баённомага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённома (2012 йил 7 сентябрь, Остона)	7
Протокол О внесении изменений и дополнений в Протокол к Соглашению между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан о пунктах пропуска через узбекско-казахстанскую государственную границу от 4 сентября 2006 года (Астана, 7 сентября 2012 года)	9
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳайдовчилик гувоҳномаларини ўзаро тан олиш ва алмаштириш тўғрисида Битим (2015 йил 28 май, Сеул)	11
Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида даромад ва мол-мулк солиқлари юзасидан иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида 1999 йил 7 сентябрдаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённома (2014 йил 14 октябрь, Берлин)	16
Протокол о внесении изменений и дополнений в Соглашение между Республикой Узбекистан и Федеративной Республикой Германия об избежании двойного налогообложения в отношении налогов на доходы и имущество от 7 сентября 1999 года (Берлин, 14 октября 2014 года)	22

ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан
Покистон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
ўртасида ҳамкорлик тўғрисида
ПРОТОКОЛ***

2015 йил 17 ноябрь, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Покистон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бундан кейин яқка тартибда «Томон», биргаликда «Томонлар» деб аталувчилар,

Томонлар давлатлари ўртасида дўстлик алоқалари ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида,

сийёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамда ўзаро қизиқиш уйғотадиган бошқа соҳалардаги икки томонлама муносабатларни шерикчилик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик принциплари асосида ривожлантиришга кўмаклашиш истагида,

халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни фаоллаштириш заруриятини таъкидлаган ҳолда,

ўз давлатлари ўртасида тузилган битимларни амалга татбиқ этилишига кўмаклашиш ниятида,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари, ўзаро қизиқиш уйғотадиган минтақавий ва халқаро масалаларни муҳокама қилиш мақсадида маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

2-модда

Томонлар ушбу Протоколнинг 1-моддасида кўрсатилган масалалар бўйича маслаҳатлашувларни доимий асосда навбат билан Ўзбекистон ва Покистонда ёки халқаро тадбирлар доирасида ўтказадилар.

Делегациялар даражаси, маслаҳатлашувлар кун тартиби ва муддатлари дипломатик каналлар орқали келишилади.

3-модда

Маслаҳатлашувлар қуйидаги масалаларни қамраб олиши мумкин:

* 2015 йил 17 ноябрдан кучга кирган.

- а) ўзаро консуллик алоқалари;
- б) икки томонлама битимларнинг бажарилиши бўйича ахборот алмашиш;
- в) ўзбек-покистон муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий базасини инвентаризация қилиш.

4-модда

Томонлар ўз ваколатлари доирасида иккала мамлакатнинг давлат бошқарув органлари ва муассасалари, шунингдек жамоатчилик ва илмий ташкилотлари ўртасида бевосита алоқаларнинг ўрнатилиши ва ривожланишига кўмаклашадилар.

5-модда

Томонлар ҳар икки мамлакат давлат муассасалари томонидан ўтказиладиган халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ соҳасида малака ошириш ва махсус курслар ташкил этиш орқали ўз дипломатлари тажрибаси ва малакасини оширишда ўзаро кўмаклашадилар.

6-модда

Томонларнинг халқаро конференциялар ва учрашувларда иштирок этаётган вакиллари, шунингдек учинчи давлатлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлардаги икки давлат дипломатик миссиялари ўзаро қизиқиш уйғотадиган масалалар бўйича маслаҳатлашувлар олиб боришлари мумкин.

7-модда

Ушбу Протоколни талқин қилиш ва қўллашда юзага келадиган барча низо ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал этилади.

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра, ушбу Протоколга ёзма равишда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

8-модда

Ушбу Протокол Томонлар имзолаган санадан кучга киради ва уч (3) йил давомида амал қилади ҳамда Томонлардан бири бошқа Томонни Протоколнинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида дипломатик каналлар орқали уч (3) ой аввал хабардор қилмаса, ўз-ўзидан кейинги уч (3) йиллик муддатларга узаяверади.

Тошкент шаҳрида 2015 йил 17 ноябрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Покистон Ислом
Республикаси савдони ривожлантириш агентлиги ўртасида
икки томонлама савдо алоқаларини кенгайтириш
чора-тадбирлари тўғрисида
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ***

2015 йил 17 ноябрь, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Покистон Ислом Республикаси савдони ривожлантириш агентлиги (бундан кейин яқка тартибда «Томон», биргаликда «Томонлар» деб аталувчилар),

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида иқтисод ва савдо ҳамкорлиги тўғрисида 1992 йил 27 июнда имзоланган Битим қоидаларига амал қилиб,

Ўзбекистон ва Покистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги икки томонлама муносабатларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга муҳим аҳамият қаратиб,

икки томонлама савдо алоқаларининг янада ривожланишини таъминлаш учун қулай шароитлар яратиш муҳимлигини эътироф этиб,

икки давлат ўртасида ўзаро савдо ҳажмини ошириш истагида,

қуйидагилар тўғрисида ўзаро англашувга эришдилар:

1-модда

Томонлар ўз давлатлари миллий қонунчилигига мувофиқ ҳамда тенглик ва ўзаро манфаатдорлик принциплари асосида икки томонлама амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш орқали ўз мамлакатлари ўртасида савдо алоқаларини янада ривожланиши ва ўзаро савдонинг барқарор ўсишини таъминлашга қўмақлашадилар.

2-модда

Томонлар ўз ваколатлари доирасида ўзаро ҳамкорликни қуйидагилар орқали жадаллаштириш тўғрисида келишиб олдилар:

а) икки мамлакат манфаатдор корхона ва компанияларига қуйидагиларда ёрдам кўрсатиш:

ўзаро ташрифларни ташкиллаштириш, қўшма бизнес-форумлар, презентациялар, давра суҳбатлари ва бошқа амалий тадбирларни ўтказишга қўмақлашиш, шунингдек уларни Ўзбекистон ва Покистонда ўтказиладиган халқаро кўргазма-ярмарка тадбирлари ишида иштирок этишга жалб этиш;

бевосита ва узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, кенг номенклатурали саноат маҳсулотларини тўғридан-тўғри ва тизимли етказиб

* 2015 йил 17 ноябрдан кучга кирган.

беришни ташкиллаштириш бўйича ташқи савдо шартномаларини тузиш ва уларни амалга ошириш;

б) ўзаро савдонинг ўсиши учун қулай шароитларни яратиш борасидаги масалалар ва таклифларни кўриб чиқиш;

в) савдо уйлари ва тармоқ ваколатхоналарини ташкил этиш, шунингдек икки Томон давлатларида саноат кўргазмаларини ўтказиш;

г) савдо алоқаларини ривожлантириш, тариф ва нотариф тартибга солиниши, божхона бошқаруви, солиқ режими ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича қонун ҳужжатлари тўғрисида маълумотларни алмашиш;

д) ўзаро манфаатли бошқа йўналишлар бўйича ҳамкорлик.

3-модда

Ушбу Меморандумнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Томонлар икки томонлама маслаҳатлашувларни, шунингдек Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро Қўшма комиссиянинг доимий йиғилишлари доирасида икки давлат манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллариини жалб этиш орқали ўтказишлари мумкин.

4-модда

Ушбу Меморандум Томонлар давлатлари иштирокчиси бўлган бошқа амалдаги халқаро шартномалардан келиб чиқадиган уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

5-модда

Томонлар ушбу Меморандум доирасида алмашилган ҳужжатлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг махфийлигини таъминлайдилар ҳамда уларни тақдим этувчи Томоннинг аввалдан олинган ёзма розилигисиз учинчи томонга ҳеч қандай шаклда бермайдилар.

6-модда

Ушбу Меморандум қоидаларини қўллаш ёки талқин қилишда келиб чиқадиган барча низолар Томонлар ўртасида ўзаро дўстона музокара ва маслаҳатлашувлар орқали ҳал қилинади.

7-модда

Зарур ҳолларда Томонларнинг ўзаро келишуви асосида ушбу Меморандумга унинг ажралмас қисми ҳисобланган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Баённома ушбу Меморандумнинг 8-моддаси 1-бандида белгиланган тартибда кучга киради.

8-модда

1. Ушбу Меморандум имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва уч

(3) йил давомида амал қилади ҳамда тугатилмағунига қадар ўз-ўзидан шундай уч йиллик муддатларга узаяверади.

2. Томонлардан бири ушбу Меморандумнинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни дастлабки ёки янгиланган уч йиллик муддатлар тугашидан уч (3) ой олдин хабардор қилиш орқали ушбу Меморандумнинг амал қилишини тугатиши мумкин.

3. Ушбу Меморандум амал қилиши давомида бажарилаётган дастурлар, агар Томонлар ўртасида бошқача келишув бўлмаса, уларнинг тугатилишига қадар давом эттирилади.

4. Томонлар ўртасида бошқача келишув бўлмаса, мазкур Меморандумнинг 5-модда қоидалари унинг кучи тугатилганидан сўнг ҳам уч (3) йил муддат давомида амал қилади.

Тошкент шаҳрида 2015 йил 17 ноябрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон
Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон-Қозоғистон
давлат чегарасидан ўтказиш пунктлари тўғрисидаги Битимга
2006 йил 4 сентябрда имзоланган Баённомага ўзгартиш ва
қўшимчалар киритиш тўғрисида
БАЁННОМА***

2012 йил 7 сентябрь, Остона

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

икки мамлакат ўртасида алоқаларни ривожлантиришга имконият туғдирувчи халқаро ва икки томонлама ўтказиш пунктларини келишиб олиш мақсадида,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегарасидан ўтказиш пунктлари тўғрисида 2001 йил 16 ноябрда имзоланган Битимнинг (кейинги ўринларда — Битим) 10-моддасига амал қилган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

* 2015 йил 4 декабрдан кучга кирган.

1-модда

Битимнинг 2006 йил 4 сентябрда имзоланган Баённомасига (кейинги ўринларда — Баённома) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1-модда қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Баённомада Томонлар қуйидаги атамалардан фойдаланадилар:

Икки томонлама (давлатлараро) ўтказиш пункти — фақат Томонлар давлатлари фуқаролари ва транспорт воситаларининг чегарани кесиб ўтиши учун;

Халқаро (кўп томонлама) ўтказиш пункти — жисмоний шахсларнинг, уларнинг фуқаролигидан қатъи назар, ва Томонлар давлатлари ва учинчи мамлакатлар ҳудудида рўйхатга олинган транспорт воситаларининг давлат чегарасини кесиб ўтиши учун.»;

Баённоманинг иловаси бўлган Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларининг Рўйхатида:

«Ўтказиш пункти мақоми» тўртинчи устунида «Халқаро» сўзидан кейин «(кўп томонлама)» сўзи қўшилсин, «Икки томонлама» сўзидан кейин «(давлатлараро)» сўзи қўшилсин;

«Темир йўл орқали ўтказиш пунктлари» бўлимида Ўзбекистон Республикаси ўтиш пунктининг номи қуйидаги таҳрирда ифода этилсин:

«

1.	Қорақалпоғистон	Қорақалпоғистон Республикаси	Бейнеу	Мангистау вилояти	Халқаро (кўп томонлама)	Кечаю-кундуз
----	-----------------	------------------------------	--------	-------------------	-------------------------	--------------

»;

«Темир йўл орқали ўтказиш пунктлари» бўлими қуйидаги мазмундаги 2.1-банд билан тўлдирилсин:

«

2.1.	Сирдарё	Сирдарё вилояти	Мактаарал	Жанубий Қозоғистон вилояти	Халқаро (кўп томонлама)	Кечаю-кундуз
------	---------	-----------------	-----------	----------------------------	-------------------------	--------------

»;

«Автомобиль йўли орқали ўтказиш пунктлари» бўлимидан 8, 10, 11, 12-бандлар чиқариб ташлансин;

«Автомобиль йўли орқали ўтказиш пунктлари» бўлимида 3, 6, 7 ва 9-бандлар қуйидаги таҳрирда ифода этилсин:

«

3.	Даут-Ата	Қорақалпоғистон Республикаси	Тажен	Мангистау вилояти	Халқаро (кўп томонлама)	Кечаю-кундуз
6.	Зангиота	Тошкент вилояти	Қоплонбек	Жанубий Қозоғистон вилояти	Икки томонлама (давлатлараро)	Куннинг ёруғ вақтида
7.	Тошкент	Тошкент вилояти	Қизигурт	Жанубий Қозоғистон вилояти	Икки томонлама (давлатлараро)	Куннинг ёруғ вақтида
9.	Гулистон	Сирдарё вилояти	Атамекен	Жанубий Қозоғистон вилояти	Икки томонлама (давлатлараро)	Куннинг ёруғ вақтида

».

2-модда

Мазкур Баённома Битимнинг 11-моддасида назарда тутилган тартибда кучга кирилади.

Мазкур Баённома Битим амал қилишдан тўхтагунга қадар амалда бўлади.

Остона шаҳрида 2012 йил 7 сентябрда ҳар бири ўзбек, қозоқ ва рус тилларида бўлган икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Баённома қоидаларини талқин қилишда ихтилофлар келиб чиқса, Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

(имзолар)

ПРОТОКОЛ*

о внесении изменений и дополнений в Протокол к Соглашению между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан о пунктах пропуска через узбекско-казахстанскую государственную границу от 4 сентября 2006 года

Астана, 7 сентября 2012 года

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Республики Казахстан, именуемые в дальнейшем Сторонами,

в целях согласования международных и двусторонних пунктов пропуска, способствующих развитию сообщения между двумя странами,

руководствуясь статьей 10 Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан о пунктах пропуска через узбекско-казахстанскую государственную границу от 16 ноября 2001 года (далее — Соглашение),

согласились о нижеследующем:

Статья 1

В Протокол к Соглашению, совершенный 4 сентября 2006 года (далее — Протокол), внести следующие изменения и дополнения:

дополнить статью 1 абзацами следующего содержания:

«В Протоколе Сторонами используются следующие термины:

* Вступил в силу 4 декабря 2015 года.

Двусторонний (межгосударственный) пункт пропуска — для пересечения границы только гражданами и транспортными средствами государств Сторон;

Международный (многосторонний) пункт пропуска — для пересечения государственной границы физическими лицами, независимо от их гражданства (подданства), и транспортными средствами, зарегистрированными на территориях государств Сторон и третьих стран.»;

в Перечне пунктов пропуска через узбекско-казахстанскую государственную границу, являющемся приложением к Протоколу:

в четвертом столбце «Статус пункта пропуска» после слова «Международный» добавить слово «(многосторонний)», после слова «Двусторонний» добавить слово «(межгосударственный)»;

в разделе «Железнодорожные пункты пропуска» название пунктов пропуска изложить в следующей редакции:

«

1.	Каракалпакстан	Республика Каракалпакстан	Бейнеу	Мангистауская область	Международный (многосторонний)	Круглосуточный
----	----------------	---------------------------	--------	-----------------------	--------------------------------	----------------

»;

раздел «Железнодорожные пункты пропуска» дополнить пунктом 2.1 следующего содержания:

«

2.1.	Сырдарья	Сырдарьинская область	Мактаарал	Южно-Казахстанская область	Международный (многосторонний)	Круглосуточный
------	----------	-----------------------	-----------	----------------------------	--------------------------------	----------------

»;

в разделе «Автомобильные пункты пропуска» исключить пункты 8, 10, 11, 12;

в разделе «Автомобильные пункты пропуска» пункты 3, 6, 7 и 9 изложить в следующей редакции:

«

3.	Даут-Ата	Республика Каракалпакстан	Тажен	Мангистауская область	Международный (многосторонний)	Круглосуточный
6.	Зангиота	Ташкентская область	Капланбек	Южно-Казахстанская область	Двусторонний (межгосударственный)	Светлое время суток
7.	Ташкент	Ташкентская область	Казыгурт	Южно-Казахстанская область	Двусторонний (межгосударственный)	Светлое время суток
9.	Гулистан	Сырдарьинская область	Атамекен	Южно-Казахстанская область	Двусторонний (межгосударственный)	Светлое время суток

».

Статья 2

Настоящий Протокол вступает в силу в порядке, предусмотренном статьей 11 Соглашения.

Настоящий Протокол действует до прекращения действия Соглашения.

Совершено в городе Астана 7 сентября 2012 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, казахском и русском языках, все тексты имеют одинаковую силу.

В случае возникновения разногласий в толковании положений настоящего Протокола, Стороны будут руководствоваться текстом на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан
Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳайдовчилик
гувоҳномаларини ўзаро тан олиш ва
алмаштириш тўғрисида
БИТИМ***

2015 йил 28 май, Сеул

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Корея Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

икки давлат ҳудудида йўл ҳаракатини енгиллаштиришдан манфаатдор бўлган ҳолда,

Ўзбекистон Республикасида ва Корея Республикасида берилган ҳайдовчилик гувоҳномаларини ўзаро тан олиш ва алмаштиришни таъминлаш истагида,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

1. Томонлардан бирининг ваколатли органи қуйидаги талабларга мос келадиган бошқа Томон давлати фуқароларига ўз давлати ҳудудида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини беради:

(а) Корея Республикаси фуқаролари учун:

(i) Корея Республикаси ваколатли органлари томонидан берилган амалдаги Корея ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлса; ва

* 2015 йил 24 декабрдан кучга кирган.

(ii) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш учун рухсат этилган бўлса;

(b) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун:

(i) Ўзбекистон Республикаси ваколатли органи томонидан берилган амалдаги Ўзбекистон ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлса; ва

(ii) Корея Республикаси ҳудудида «хорижий фуқарони рўйхатга олиш картаси»га эга бўлса.

2. Корея ҳайдовчилик гувоҳномаси, башарти Корея Республикаси ваколатли органи томонидан қўйилган апостиль ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги нотариал идора томонидан тасдиқланган ўзбек тилидаги таржимаси бўлган тақдирда, унинг эгасидан транспорт воситасини бошқариш қобилияти бўйича назарий ва амалий имтиҳонларни топшириш талаб этилмасдан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон ҳайдовчилик гувоҳномаси билан тенг равишда амал қилади деб тан олинади.

3. Ўзбекистон ҳайдовчилик гувоҳномаси, унинг эгасидан транспорт воситасини бошқариш қобилияти бўйича назарий ва амалий имтиҳонларни топшириш талаб этилмасдан, Корея Республикаси ваколатли органи томонидан тан олинади ва Корея ҳайдовчилик гувоҳномасига алмаштириб берилади.

4. Ҳайдовчилик курси иштирокчиси ёки ўрганувчи-ҳайдовчи ҳисобланган Корея Республикаси фуқароларига берилган вақтинчалик ҳайдовчилик гувоҳномалари ушбу Битимга мувофиқ ўзаро тан олинмайди.

5. Томонларнинг ваколатли органлари тарафидан бериладиган ҳайдовчилик гувоҳномалари тоифаларининг эквивалентлиги ушбу Битим иловасида кўрсатилган жадвалга мувофиқ аниқланади.

6. Мазкур модда қоидалари ушбу Битимда назарда тутилган ҳайдовчиларнинг ёши, соғлиги ва руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлган транспорт воситасини бошқариш бўйича ҳар бир Томон давлати миллий қонунчилигидаги чекловларга дахл қилмайди.

2-модда

1. Корея Республикасининг ваколатли органи ўз ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириб беришни сўраб мурожаат қилган шахсдан қуйидагиларни талаб қилиши мумкин:

(a) Ўзбекистон Республикаси ваколатли органи томонидан берилган ҳайдовчилик гувоҳномасининг асл нусхаси ҳамда унинг корейс ёки инглиз тилидаги тасдиқланган таржимасини топшириш;

(b) тегишли ҳайдовчилик гувоҳномасига мос турдаги транспорт воситаларини бошқариш учун мурожаат қилувчининг соғлиги ва руҳий ҳолатини тасдиқлаш;

(c) Корея Республикаси миллий қонунчилигида белгиланган бошқа ҳар қандай ҳужжатларни тақдим қилиш ва тўловларни амалга ошириш.

2. Корея Республикасининг ваколатли органи, башарти мурожаат қилувчининг соғлиги ёки руҳий ҳолати тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси учун талаб қилинадиган даражага мос келмаса, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштиришни рад этиши мумкин.

3-модда

Ушбу Битимни амалга оширишда ҳар бир Томон ҳайдовчиларни рўйхатга олишга доир ўз давлати миллий қонунчилигини қўллайди.

4-модда

1. 1-моддада назарда тутилган ҳайдовчилик гувоҳномаларининг амалда эканлиги ёки ҳақиқийлигига шубҳа бўлган тақдирда, бир Томон ваколатли органи бошқа Томон ваколатли органидан ушбу ҳайдовчилик гувоҳномасининг амалдалиги ёки ҳақиқийлигини тасдиқлашини сўраши мумкин.

2. Сўров қабул қилинганидан сўнг, қабул қилувчи Томоннинг ваколатли органи ҳайдовчилик гувоҳномасининг амалдалиги ёки ҳақиқийлигига доир ҳар қандай хато ва камчиликлар тўғрисида сўраётган Томоннинг ваколатли органини хабардор этади.

3. Ҳар бир Томон бошқа Томон давлати фуқаросининг ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳақиқий эмаслиги ҳақида хабардор қилинса, у мазкур ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш ёки тан олишни рад этиши мумкин.

5-модда

Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг сўровига асосан, Корея Республикаси ваколатли органи томонидан алмаштириш мақсадида олиб қўйилган ҳайдовчилик гувоҳномаларининг асл нусхалари дипломатик каналлар орқали Ўзбекистон Республикаси ваколатли органига юборилиши мумкин.

6-модда

1. Томонлар ушбу Битим кучга киришидан аввал дипломатик каналлар орқали бир-бирларига қуйидагиларни тақдим этадилар:

(а) ўз ваколатли органларининг тўлиқ номи, манзили, телефон ва факс рақамлари, электрон почта манзили; ва

(б) ушбу Битим иловасида назарда тутилган амалдаги ҳайдовчилик гувоҳномалари намуналари.

2. Томонлар ўз ҳайдовчилик гувоҳномаларидаги ҳар қандай ўзгаришлар ёки ушбу Битим ижросига дахл қиладиган миллий қонунчиликдаги ўзгариш ва қўшимчалар, шунингдек ўз ваколатли органларининг алоқа учун маълумотларидаги ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида бир-бирларини дипломатик каналлар орқали зудлик билан хабардор қиладилар.

7-модда

Ушбу Битим доирасида Томонларнинг ваколатли органлари ўртасидаги алоқа ва дипломатик каналлар орқали ёзишмалар Томонларнинг давлат тилида амалга оширилиб, инглиз ёки рус тилидаги таржимаси илова қилинади.

8-модда

1. Ушбу Битим Томонлар иштирокчи ҳисобланган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

2. Ушбу Битим ҳар бир Томоннинг амалдаги миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

3. Ушбу Битимни талқин қилиш ёки амалга оширишда юзага келадиган ҳар қандай келишмовчиликлар Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ўтказиш йўли билан дипломатик каналлар орқали ҳал этилади.

9-модда

1. Ушбу Битим унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг бажарилгани тўғрисида Томонларнинг охириги ёзма хабарномаси олингандан сўнг ўттизинчи (30) кундан бошлаб кучга киради. Битим номуайян муддатгача ўз кучида қолади.

2. Ҳар бир Томон дипломатик каналлар орқали бошқа Томонга ёзма хабарнома юбориш билан ушбу Битим амал қилишини тугатиши мумкин. Мазкур ҳолда Битим бошқа Томон хабарномани қабул қилганидан сўнг ўттизинчи (30) кундан бошлаб амал қилишдан тўхтайд.

3. Ушбу Битимга Томонларнинг келишувига асосан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Бундай ўзгартиш ва қўшимчалар Томонлар ўртасида ўзаро келишилган кундан эътиборан кучга киради.

Юқоридагиларни эътироф этган ҳолда, ўз Ҳукуматлари томонидан тегишли ваколатларга эга бўлган қуйида имзо чекувчилар мазкур Битимни имзоладилар.

Сеул шаҳрида 2015 йил 28 майда ҳар бири ўзбек, корейс ва инглиз тилларида бўлган икки асл нусхада имзоланди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир. Талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келганда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Эквивалентлик
ЖАДВАЛИ**

1. Корея ҳайдовчилик гувоҳномаларига алмаштирилиши мумкин бўлган
Ўзбекистон ҳайдовчилик гувоҳномалари

Ўзбекистон ҳайдовчилик гувоҳномалари	Тегишли Корея ҳайдовчилик гувоҳномаси
«ВСЕ» тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси	Иккинчи оддий тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси (Second Class Ordinary Driver's License)
«BCDE» тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси	
«BCD» тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси	
«B» тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси	

2. Ўзбекистон ҳайдовчилик гувоҳномалари билан тенг амалда бўлишини тан
олиш мумкин бўлган Корея ҳайдовчилик гувоҳномалари

Корея ҳайдовчилик гувоҳномалари	Тегишли Ўзбекистон ҳайдовчилик гувоҳномаси
Биринчи махсус тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси (First Class Special Driver's License)	«B» тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси
Биринчи катта тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси (First Class Large Driver's License)	
Биринчи оддий тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси (First Class Ordinary Driver's License)	
Иккинчи оддий тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси (Second Class Ordinary Driver's License)	

**Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив
Республикаси ўртасида даромад ва мол-мулк солиқлари
юзасидан иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш
тўғрисида 1999 йил 7 сентябрдаги Битимга ўзгартиш ва
қўшимчалар киритиш тўғрисида
БАЁННОМА***

2014 йил 14 октябрь, Берлин

*Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 13 августдаги ЎРҚ-390-сонли «Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида Даромад ва мол-мулк солиқлари юзасидан иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида 1999 йил 7 сентябрдаги битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги баённомани (Берлин, 2014 йил 14 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Қонуни билан ратификация қилинган**.*

Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси, бундан кейин «Ахдлашувчи Давлатлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида даромад ва мол-мулк солиқлари юзасидан иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида 1999 йил 7 сентябрдаги Битимга (бундан кейинги ўринларда «Битим» деб аталувчи) мувофиқ,

келгусида икки томонлама иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ҳамда солиқларнинг самарали ва тўғри ундирилишини таъминлаш учун солиқлар соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштириш истагида,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Битимнинг 26-моддаси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«26-модда

Маълумот алмашинуви

(1) Ахдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари мазкур Битимни амалга ошириш учун ёки Ахдлашувчи Давлат ёхуд унинг маъмурий-худудий тузилмаларидан бири номидан Ахдлашувчи Давлатлар миллий қонунчилиги бўйича солиқ солиниши мазкур Битимга зид бўлмаган қисмига оид ундириладиган ҳар қандай кўринишдаги ва номланишдаги солиқларга нисбатан ушбу қонунчиликни қўллаш ёки унга амал қилиш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган маълумотларни алмашадилар. Маълумот алмашинуви мазкур Битимнинг 1- ва 2-моддалари қоидалари билан чекланмайди.

(2) Ахдлашувчи Давлат томонидан мазкур модданинг 1-бандига муво-

* 2015 йил 29 декабрдан кучга кирган.

** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 32-сон, 426-модда.

фиқ олинган ҳар қандай маълумот ушбу Давлатнинг миллий қонунчилигига асосан олинган маълумот каби махфий деб ҳисобланиши лозим ҳамда фақат мазкур модданинг 1-бандида айтиб ўтилган солиқларни ҳисоблаш ёки ундириш, мажбурий ундириш ёки жиноятни таъқиб қилиш, ушбу солиқларга нисбатан эътироз ва шикоятлар бўйича қарорлар қабул қилиш ёхуд бундай фаолиятни назорат қилиш билан шуғулланувчи шахслар ёки органларгагина (суд ва маъмурий идоралар шулар жумласидан) тақдим қилиниши мумкин. Ушбу шахслар ёки идоралар маълумотдан фақатгина кўрсатилган мақсадлардагина фойдаланишлари мумкин. Кўрсатилган мақсадларда маълумот маъмурий ёки жиноий ишлар бўйича дастлабки тергов жараёнида, очиқ суд муҳокамаси ёки суд қарорида ошкор қилиниши мумкин. Аввалги қоидалардан қатъи назар, бир Аҳдлашувчи Давлат томонидан олинган маълумот бошқа мақсадларда ишлатилиши мумкин, башарти бундай маълумот ҳар икки Давлат қонунчилигига кўра бошқа мақсадларда фойдаланиши мумкин бўлса ҳамда маълумотни тақдим этаётган Давлат ваколатли органининг бундай фойдаланишга розилиги мавжуд бўлса.

(3) Мазкур модданинг 1- ва 2-бандлари қоидалари Аҳдлашувчи Давлатни қуйидагиларга мажбурловчи меъёр сифатида талқин қилинмаслиги лозим:

а) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилиги ёки маъмурий амалиётига зид бўлган маъмурий чораларни қўллаш;

б) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунлари ёки мавжуд маъмурий амалиётига мувофиқ олиниши мумкин бўлмаган маълумот тақдим қилиш;

с) ҳар қандай ишлаб чиқариш, тижорат, тадбиркорлик, савдо ёки касбий сирни ёхуд ишбилармонлик жараёнларини ошкор қилувчи ёки тақдим қилиниши жамоат тартибига (*ordre public*) зид бўлган маълумот тақдим қилиш.

(4) Агар Аҳдлашувчи Давлат мазкур модда қоидаларига мувофиқ маълумот сўраётган бўлса, унда бошқа Аҳдлашувчи Давлат ўзининг солиқ мақсадлари учун бундай маълумотга мухтож бўлмаган ҳолда ҳам сўралаётган маълумотни олиш учун ўз ихтиёрида мавжуд бўлган чораларни кўради. Мазкур банднинг биринчи жумласида назарда тутилган мажбуриятга нисбатан ушбу модданинг 3-бандида белгиланган чекловлар қўлланилади, лекин бундай чекловлар Аҳдлашувчи Давлатга фақатгина у ўзининг миллий солиқ тизими мақсадларида бундай маълумот олишдан манфаатдор эмаслиги асосида маълумот тақдим қилишни рад этишга имконият сифатида талқин қилинмаслиги лозим.

